

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2017 у.г. «10» май

№ 566-Қ

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

“Каттакўрғон шаҳар Оби Ҳаёт кўчасида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш иншооти қуришга рухсат бериш ҳақида”

Каттакўрғон шаҳар ҳокими номига Нарпай тумани, “Янгиқўрғон” ҚФЙ Ўзбекистон қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳақимов Аҳрор Бахтиёровичнинг ёзган аризасини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 285-сонли қарорига асосан ташкил этилган танлов савдолари юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги танлов комиссиясининг № 5-сон баённомасини (№ 03/3-210 18.04.2017 й.) инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик ва Ер кодексларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги “Танлов савдолари ўтказиш комиссияси”нинг 2017 йил 18 апрелдаги № 5-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Каттакўрғон шаҳар Нарпай тумани, “Янгиқўрғон” ҚФЙ Ўзбекистон қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳақимов Аҳрор Бахтиёровичга Оби Ҳаёт кўчасида бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида Сутни қайта ишлаш қуриш учун 1000 кв.метр ер майдони ажратилсин.
3. Шаҳар ҳокими ўринбосари (Д.Рахмонов) ва шаҳар бош архитектори (О.Розиқов)га, танлов ғолиби Разаков Аброр Бахтиёрович томонидан олиб бориладиган қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда танлов таклифига белгиланган муддатларда қурилиш ишлари олиб борилмаган тақдирда, танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида тузилган шартномани бекор қилиш бўйича таклиф киритиш вазифаси топширилсин.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими (О.Розиқов) ҳамда Каттакўрғон шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр” давлат корхонаси (У.Туропов) зиммаларига юклатилсин.
5. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (М.Жураев) га танлов ғолиби Разаков Аброр Бахтиёровичга Сутни қайта ишлаш цехи қурилиши учун ажратилаётган 1000 кв.метр ер майдонига нисбатан ҳаракатдаги қонунлар асосида солиқлар миқдорини белгилаш ҳамда ундирилишини назорат қилиш топширилсин.
6. Шаҳар ҳокимлиги “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр” давлат корхонаси (У.Туропов)га, танланаётган ер майдонини “Ер Кодекси”нинг 23-моддаси 5-бандига асосан ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳамда ер хисоботига тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.
7. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими

Б.Садуллаев